

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ, САМАРҚАНД ДАВЛАТ
ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ, АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.26.04.2018.Fil.01.10 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ФАЙЗУЛЛОЕВ ОТАБЕК МУХАМАДОВИЧ

**ЎЗБЕК ФОЛЬКЛОРИДАГИ ЛИНГВОКУЛЬТУРЕМАЛАРНИНГ
ИНГЛИЗЧА ТАРЖИМАДА БЕРИЛИШИ
(болалар фольклори ва эртақлар мисолида)**

**10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштирма тилшунослик
ва таржимашунослик**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
филологическим наукам**

**Content of the abstract of doctoral dissertation (PhD) on
philological sciences**

Файзуллоев Отабек Мухаматович

Ўзбек фольклоридаги лингвокультуремаларнинг инглизча таржимада
берилиши (болалар фольклори ва эртақлар мисолида).....3

Файзуллоев Отабек Мухаматович

Перевод на английский язык лингвокультурем узбекского фольклора
(на примере детского фольклора и сказок)..... 24

Fayzulloyev Otabek Muxamadovich

Linguacultures of Uzbek folklore in English translations (on the example
of children`s folklore and fairy tales).....45

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works.....49

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ, САМАРҚАНД ДАВЛАТ
ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ, АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.26.04.2018.Fil.01.10 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ФАЙЗУЛЛОЕВ ОТАБЕК МУХАМАДОВИЧ

**ЎЗБЕК ФОЛЬКЛОРИДАГИ ЛИНГВОКУЛЬТУРЕМАЛАРНИНГ
ИНГЛИЗЧА ТАРЖИМАДА БЕРИЛИШИ
(болалар фольклори ва эртақлар мисолида)**

**10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик
ва таржимашунослик**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

Филология фанлари бўйича (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.3.PhD/Fil.278 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Бухоро давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.nuu.md.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Ўраева Дармон Саидахмедовна**
филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Маматов Абди Эшонкулович**
филология фанлари доктори, профессор

Қамбаров Носир Мансурович
филология фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот: **ЎзРФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори**
инститuti

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети, Самарқанд давлат чет тиллар институти, Андижон давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.26.04.2018.Fil.01.10 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «__» _____ соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Фаробий кўчаси, 400 уй. Тел: (99871)246-08-62; (99871)227-10-59; факс: (99871) 246-65-24; e-mail: nauka@nuu.uz. Ўзбекистон Миллий университети, Хорижий филология факультети. (1-қават, 1.12-хона)

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (__рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил:100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси,4-уй. Тел: (99871) 246-08-62)

Диссертация автореферати 2019 йил «__» _____ кuni таркатилди.
(2019 йил «__» _____ даги ____ рақамли реестр баённомаси).

А.Г.Шереметьева
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, филол.ф.д., профессор

Ш.О.Назирова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
котиби, филол.ф.н.доцент

И.А.Сиддикова
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгашқошидаги илмий семинар
раиси, филол.ф.д., профессор

КИРИШ (Фалсафа доктори(PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Жаҳон таржимашунослигида халқларнинг миллий турмуш тарзи, эътиқодий қарашлари, урф-одат ва анъаналарига туташ ментал хусусиятлари, тил қонуниятлари акс этган фольклор намуналарини аслиятдан ўгиришнинг ўз принциплари ва методлари бор. Буни далиллаш эса фольклор асарларининг бадиий таржимаси муаммоларини аниқлаш ва ечиш, илмий-назарий асосларини белгилаш учун зарурдир.

Дунё фольклоршунослигида болалар фольклорининг умумжаҳон цивилизациясидаги ўрнига қизиқиш немис, француз, инглиз, рус эртак, алла, қизиқмачоқ, эркалама ва ўйинларининг турли тилларга амалга оширилган таржималари, қиёсий-типологик, этнофольклористик, чоғиштирма лингвистик йўналишдаги илмий тадқиқи мисолида яққол кузатилади. Бунда ҳар бир халқнинг фольклор асарлари тилида кўп учрайдиган лингвокультуремаларнинг адекват таржимасига эришиш қийин ва муаммоли жараён сифатида эътиборни тортади. Лингвокультуремалар тил – инсон – маданият тадрижида лисон ва маданият элементларининг ўзаро таъсири ҳамда синтезлашишидан пайдо бўлганлиги сабабли уларни таржимада адекват ифодалаш таржима муваффақияти кафолати ҳамда аслиятга хос маъно-мазмунни тўлиқ англаш учун муҳим аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда кечаётган ислохотларнинг ҳозирги янги босқичида «Ҳар биримиз давлат тилига бўлган эътиборни мустақилликка бўлган эътибор деб, давлат тилига эҳтиром ва садоқатни она Ватанга эҳтиром ва садоқат деб билишимиз, шундай қарашни ҳаётимиз қоидасига айлантиришимиз лозим»¹ Шу асосда ўзбек фольклори намуналаридаги лингвокультуремаларнинг ўрнини ва спецификасини ёритиш, уларга хос универсал, миллий-маданий, гендер, лексик-семантик, стилистик хусусиятларни инглизча таржимада сақлаш усулларини лингвокультурологик, концептологик, этнофольклористик, когнитив-прагматик йўналишларда аниқлаш замонавий тилшунослик, қиёсий адабиётшунослик ва таржимашуносликнинг илмий-амалий асосларини янада мустаҳкамлашга имкон яратади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 13 сентябрдаги ПҚ-3271-сонли «Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида»ги, 2018 йил 1 ноябрдаги ПҚ-3990-сонли «Халқаро бахшичилик санъати фестивалини ўтказиш тўғрисида»ги қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 11 августдаги «Таълим муассасаларида чет тилларини ўқитишнинг сифатини янада такомиллаштириш чора-

¹Миллий ўзлимиз ва мустақил давлатчилигимиз тимсоли. Президент Шавкат Мирзиёевнинг ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганининг ўттиз йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи / Халқ сўзи. – Тошкент, 2019, 22 октябрь. – № 218 (7448). – Б.1.

тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳамда бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўзбек фольклоршунослигида болалар фольклорини ўрганишда Ғ.Жаҳонгиров, О.Сафаров, Н.Қурбонова, Ш.Ғалиев, С.Авезов, Н.Сафаровалар томонидан яратилган тадқиқотлар методологик аҳамиятга эга.² Бироқ ўзбек болалар фольклорининг хорижий тилларга таржима қилиниши билан боғлиқ муаммолар ҳанузгача махсус тадқиқот объекти сифатида танланмаган. Ҳолбуки, бу иш XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошланган. XIX асрнинг охири ва XX асрнинг 30-йилларигача бўлган даврда хорижлик этнограф олимлар томонидан ўзбек болалар фольклорига алоқадор айрим ҳодисаларни тарихий-этнографик мақсадда ёзиб олиш ва нашр этиш бирмунча қизиқиш билан амалга оширилди. Фақат бу ишлар, асосан, элшунослик йўналишида олиб борилганлигини алоҳида таъкидлаб ўтишга тўғри келади. Бу жиҳатдан рус ўлкашунослари эр-хотин В.Наливкин ва М.Наливкина, А.Васильев, Н.Н.Пантусов, М.С.Андреев, Е.М.Пещерова ва А.А.Боровков сингари элшуносларнинг ишлари эътиборни тортади.³ Улар мақола ва рисоаларида Ўрта Осиё халқлари, шу жумладан, ўзбек халқи болалар маиший ҳаёти, оилада бола туғилиши билан боғлиқ урф-одатлар, болалар ўйинлари ва кўшиқларининг этнографик моҳиятига муносабат билдириб ўтганликлари кузатилади.

Шу кунгача ўзбек таржимашунослигида Ғ.Саломов, Н.Комилов, Ғ.Ғафурова, К.Жўраев, И.Ғафуров, И.Мирзаев, Қ.Мусаев, Т.Жўраев, М.Холбеков, О.Мўминов, М.Умархўжаев, Ғ.Ҳошимов, М.Бақоева,

²Жаҳонгиров Ғ. Ўзбек болалар фольклори. – Т.: Ўқитувчи, 1975. – 102 б.; Сафаров О. Ўзбек болалар поэтик фольклори. – Т.: Ўқитувчи, 1985. – 250 б.; Қурбонова Н. Ўзбек болалар маросим фольклори: Филол. фан. номз. дисс. автореф. – Т., 1994; Ғалиев Ш. Ўзбек болалар ўйин фольклори. – Т.: Фан, 1998. – 96 б.; Авезов С. Санама жанри табиати ва бадиияти: Филол. фан. номз. дисс. автореф. – Т., 2004. – 24 б.; Сафарова Н.О. Ўзбек болалар ўйин фольклорининг жанрий табиати, генезиси ва бадий хусусиятлари: Филол. фан. номз. дисс. автореф. – Т., 2004. – 23 б.

³Наливкин В., Наливкина М. Очерк быта женщины оседлого туземного населения. Ферганы. – Казань, 1886. – 246 с.; Васильев А. Игры сартовских детей // Туркестанские ведомости, 1909, №109; Пантусов Н.Н. Игра тогуз-кумалак // ИОАЭ и И. Том XXII. №4. – Казань, 1906. – С.1; Андреев М.С. Вещие сны, несколько примет и детская игра «Сорока-ворона» среди некоторых народов, главным образом Средней Азии // Известия Среднеазиатского музея. Вып. 2. – Т., 1923. – С.1-34; Пещерова Е.М. Игрушки и детские игры у таджиков и узбеков. (По материалам 1924-1935гг.) // Сборник Музея антропологии и этнографии. Институт этнографии им. Миклухо-Маклай Ан СССР. Т.XVII. – М.-Л., 1957. – С.22-94; Пещерова Е.М. Некоторые игры среди оседлого населения Туркестана. //Отд. Оттиск из «Бюллетень САГУ», №11. – Т., 1925. – С.82-98; Боровков А.К. Игры узбекских детей. // Сборник научного кружка при Восточном факультете САГУ. Вып.1. – Т., 1928. – С.31-42.

Ш.Сирожиддинов, Г.Одилова, Н.Қамбаров, Э.Очилов, Ғ.Раҳимов, Д.Жуманова, Р.Ширинова, М.Жавбўриев, Ш.Исакова, Е.Н.Панжиева, Н.Ўрмонова, А.Кўчибоев⁴ ва бошқа олимларнинг таржима назарияси ҳамда амалиёти, у билан боғлиқ муаммолар ечими, таржима танқиди соҳасида эришган ютуқлари бу соҳадаги кейинги тадқиқотлар учун дастуруламал бўлганлигини инкор қилиб бўлмайди. Айни пайтда ўзбек таржимашунослигида эришилган ютуқлар ўзбек фольклори таржимашунослигининг шаклланиши ва назарий тараққий топишида илмий методологик асос вазифасини ўтамоқда. Бунинг натижасида ҳозиргача Р.Файзуллаева, Ш.Рўзиев, Й.Нурмуродов, Б.Шамсиева, Х.Рўзимбоев, З.Жуманиёзов, Б.Сувонкулов, Ҳ.Юсупова, М.Жўраева, У.Йўлдошев, Р.Қосимова тадқиқотлари бевосита фольклор асарлари таржимашунослигига бағишланганлиги кузатилади.⁵ Шундан М.Жўраева, Р.Ширинова,

⁴ Саломов Ғ. Мақол ва идиомалар таржимаси. – Т.: ЎЗР ФА нашриёти, 1961. – 159 б.; Саломов Ғ. Тил ва таржима (бадий таржиманинг умумфилологик ва баъзи лингвистик масалалари). – Т.: Фан, 1966. – 385 б.; Саломов Ғ. Таржима назариясига кириш.–Т.: Ўқитувчи, 1982. – 236 б.; Саломов Ғ. Таржима ташвишлари. – Т.: Гафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1983. – 195 б.; Саломов Ғ., Комилов Н. Дўстлик кўприклари: (Поэзия ва таржима). – Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1979. – 224 б.; Гафурова Ғ. Развитие перевода в Узбекистане. – Т.: Фан, 1973. – 159 с.; Гафуров И. Таржимонлик мутахассислигига кириш. – Т., 2008. – 118 б.; G'ofurov I., Mo'minov O., Qambarov N. Tarjima nazariyasi: Oliy o'quv yurtlari uchun o'quv qo'llanma. – Т.: “Tafakkur bo'stoni”, 2012. – 321 б.; Мирзаев И.К. Проблемы передачи слов обозначающих реалии французской жизни на узбекский язык: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Л., 1975. – 22 с.; Мусаев Қ. Таржима назарияси асослари. – Т.: Фан, 2005. – 352 б.; Жўраев К.Таржима санъати. – Т.: Фан, 1982. – 60 б.; Жўраев К., Жўраев Э. ва бошқалар. Таржима назарияси ва амалиёти. – Андижон, 2008. – 116 б.; Холбеков М. Таржимашунослик ва таржима танқиди. – Т.: Наврўз, 2015. – 120 б.; Умархўжаев М. Таржима ва таржимашуносликнинг долзарб масалалари // Ҳозирги замон таржимашунослигининг долзарб масалалари (Илмий-амалий конференция материаллари). – Андижон, 2008. – 200 б.; Хошимов Ғ. К теории метаязыка транслатология (Республика илмий-амалий анжуман материаллари). – Андижон, 2015. – 160 б.; Бақоева М. Инглиз ва Америка адабиётидан ўзбек тилига шеърлий таржима ва қиёсий шеършунослик муаммолари. – Т.: Фан, 2015. – 288 б.; Сирожиддинов Ш., Одилова Г. Бадий таржима асослари. – Т.: Мумтоз сўз, 2011. – 164 б.; Одилова Г. Инглиз ва ўзбек мумтоз шеърлиги таржималарида адекватлик муаммолари: Филол. фан. номз.... дисс. – Т., 2011 – 26 б.; Очилов Э. Таржима назарияси ва амалиёти. – Т., 2012. – 200 б.; Раҳимов Ғ. Таржима назарияси ва амалиёти. – Т.: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 2016. – 176 б.; Джуманова Д. Сўзнинг тил алоқа жараёнидаги фонологик модели: Филлол. фан. док. дисс. автореф. – Т., 2016. – 87 б.; Ширинова Р. Олам миллий манзарасининг бадий таржимада қайта яратилиши. Филол. фан. док. ...дисс. автореф. – Т., 2017. – 56 б.; Жавбўриев М. Бадий таржимада миллий характер ва тарихий давр колоритини қайта яратиш (О.Ёқубовнинг Улуғбек хазинаси тарихий романининг немисча таржимаси мисолида): Филол. фан. номз. ...дисс. – Т., 1991. – 202 б.; Исакова Ш. Бадий таржимада миллийлик ва тарихийликнинг акс эттирилиши: (Ойбекнинг «Навой» романининг французча таржимаси мисолида): Филол. фан. номз. ...дисс. – Т., 2004. – 132 б.; Панжиева Н.Н. Когнитивный аспект оценочных номинаций лица в английском и узбекском языках: Дисс.... канд. фил. наук. – Т., 2004. – 150 с.; Ўрмонова Н. Таржимада тарихий-архаик лексикани акс эттириш принциплари ва таржима аниқлиги (ўзбек адабиётидан француз тилига килинган таржималар таҳлили асосида): Филол. фан. номз. ...дисс. автореф. – Т., 2008. – 26 б.; Кўчибоев А. Бадий матн таржимасининг прагматик аспекти / Матн прагматикаси. Ўқув-услубий қўлланма. – Самарқанд, 2015. – 123 б.

⁵ Файзуллаева Р. К проблеме передачи национального колорита в художественном переводе: Дисс. ... канд. филол. наук. – Т.: ИЯЛ АНРУз, 1972. – 225 с.; Рузиев Ш. К вопросу узбекско-немецких литературных связей: Автореф. ... дисс. канд. филол. наук. – Т.: ИЯЛ АНРУз, 1974. – 30 с.; Нурмуродов Й. История изучения и проблемы научно-литературного перевода узбекского фольклора на немецкий язык: Дисс. ... канд. филол. наук. – Т.: ИЯЛ АНРУз, 1983. – 192 с.; Шамсиева Б. Вопросы узбекского фольклора в зарубежном литературоведении: Фил. фан. номз. дисс. – Т., 1994; Рўзимбоев Х. Хоразм фольклорининг хорижда ўрганилиши тарихидан: Фил. фан. номз. дисс. – Т., 1996; Сувонкулов Б.М. Ўзбек халқ латифаларининг жанр хусусиятлари: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Т., 2008. – 26 б.; Жуманиёзов З.О. “Равшан” достони немисча таржимасида миллийликни қайта яратиш: Филол. фан. номз....дисс. автореф. – Т., 2008. – 25 б.; Юсупова Ҳ.Ў. Ўзбек халқ оғзаки насри намуналарининг инглизча таржималарида миллий колоритнинг ифодаланиши (эртақлар, латифалар мисолида): Филол. фан. номз. ... дисс. – Т., 2011. – 149 б.;

Р.Файзуллаева, Й.Нурмуродов, Ҳ.Юсупова, У.Йўлдошевларнинг диссертациялари бевосита тадқиқотимиз йўналишида амалга оширилганлиги билан алоҳида эътиборга молик. Фақатгина уларда ўзбек болалар фольклори жанрлари эмас, халқ эртақ ва латифаларининг немис, француз, инглиз тилларига таржимаси муаммолари тадқиқот предметиға айлантирилган.

Ўзбек болалар фольклори намуналарининг хорижда тарқалиши ва ўрганилишида венгриялик сайёҳ ва таржимон Ҳерман Вамберининг хизматлари катта бўлди. Унинг Англияда чоп этилган «Sketches of Central Asia» («Марказий Осиё очерклари») асарида бола туғилиши ва улғайиши билан боғлиқ урф-одатлар, расм-русумлар баён этилган. Аммо уларға дахлдор айтимлар ёки фольклор намуналари келтирилмаган.⁶

Америкалик олим Корлис Ламонтнинг 1946 йилда чоп этилган «The Peoples of the Soviet Union» («Совет Иттифоқи халқлари») китобида эса болаларнинг айрим миллий ўйинлари таржимаси берилган.⁷

Ўзбек болалар фольклори намуналарининг инглиз тилиға таржима қилинишида Тинчлик Корпуси кўнгиллиси Мерилин Петерсеннинг хизмати ҳам бор. Олима 2000 йилда «Treasury of Uzbek Legends and Lore» («Ўзбек халқ оғзаки ижоди ва афсоналари хазинаси») китобини тузиб, унда инглиз тилиға таржима қилинган бир қатор ўзбек фольклори намуналари қатори бешик тўйи айтим-олқишлари, алла, эркалама, халқ ўйинлари сингари болалар фольклори жанрларидан намуналар келтирилган.⁸

Жаҳон фольклоршунослиғида турли халқ эртақларининг миллий, лингвомаданий ва лингвокогнитив хусусиятларини очиб бериш ҳамиша тилшуносларни қизиқтириб келган. Масалан, И.Г.Ольшанский ХХ аср охирида лингвокультурология масаласини тилшунослик тарихи ва назарияси нуқтаи назаридан ўрганган бўлса,⁹ К.И.Симонов (2003) француз халқ эртағида қаҳрамоннинг лингвомаданий парадигмалари мавзусида,¹⁰ Е.В.Черенкова (2004) илк бор француз ва ўзбек халқ эртақларида модаллик категориясининг лингвокогнитив ва лингвомаданий хусусиятларини қиёсий концептуал таҳлил қилиш устида изланишлар олиб бордилар. О.А.Плахова (2007) инглиз халқ эртағининг луғавий таркибида халқ рухий маданиятининг ўзига хос томонларини ўрганишға эътибор қаратди. Л.В.Эпоева

Жўраева М. Француз ва ўзбек эртақларида модаллик категориясининг лингвокогнитив, миллий-маданий хусусиятлари: Филол. фан. док. ...дисс. автореф. – Т.: Академия ноширлик маркази, 2017. – 87 б.; Йўлдошев У. Ҳажвий матнлар таржимасининг лингвостилистик ва лингвокультурологик хусусиятлари (инглиз тилиға таржима қилинган ўзбек халқ латифалари мисолида): Филол. фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) дисс. автореф. – Т., 2017. – 42 б.; Касимова Р.Р. Ўзбек тўй ва мотам маросим фольклори матнларининг инглизча таржимасида этнографизмларнинг берилиши: Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси. – Т., 2018. – 152 б.

⁶ Vambery A. Sketches of Central Asia. – London, 1868.

⁷ Lamont C. The Peoples of the Soviet Union. – New York, 1946.

⁸ Petersen Marilyn. Treasury of Uzbek Legends and Lore.– Toshkent: Qatortol-Kamolot, 2000; МерилинПетерсен 1996-2000 йилларда Тинчликкорпусинингкўнгиллисисифатида Бухоровилоятидастикоматқилиб, маҳаллий халқнинг урф-одат ва анъаналари билан қизиқиб, талай материаллар йиққан ва уларнинг инглиз тилиға ўғирган.

⁹ Ольшанский И.Г. Лингвокультурология в конце ХХ в. Теория и история языкознания. – М., 2000. – С.34-36.

¹⁰ Симонов К.И. Лингвокультурные парадигмы героя французской фольклорной сказки (Эмиго-этическое изучение структуры текста): Дисс... канд. филол. наук. – Москва, 2003.

диссертациясида (2007) инглиз ва рус тилларида сеҳрли эртақ тилининг лингвомаданий хусусияти ўрганилди.¹¹ М.В.Ивченко (2010) турли тизимли тиллардаги эртақларда ва рекламаларда «сеҳргар» концептининг функционал-семантик ва лингвомаданий вербаллашувининг ўзига хос хусусиятлари мавзусида тадқиқот олиб борди¹².

Лингвокультурология ҳамда таржима назарияси уйғунлигига алоқадор тадқиқотлар орасида жаҳон тилшунослигида Г.Б.Палмер, Г.Мораин, Б.Сердихун, Б.Сивасиш, В.В.Воробьев, Е.О.Опарина, И.Г.Ольшанский, А.Вежбицкая, С.Г.Воркачев, В.И.Карасик, В.Красных, К.Э.Нагаева, В.А.Маслова, О.Е.Сальникова, О.И.Василенко, О.А.Подлесова, Д.Д.Лагаева, Н.Н.Дзида, Е.Б.Елисеева, Т.И.Густомясова, Ф.Х.Хасанова, Ф.Г.Фаткуллина, А.Р.Габбасова, ўзбек тилшунослигида эса Г.Боқиева, Д.Ашурова, А.М.Бушуй, Ш.Сафаров, Г.Ш.Атаханова, А.Маматов, Ў.Юсупов, Ж.Ёқубов, А.Зияев, Д.Худойберганаева, Д.Джуманова, Н.Джусупов, С.Исамухаммедова, Д.Тошева, Н.А.Тухтаходжаева каби тадқиқотчиларнинг бу борадаги илмий қарашлари алоҳида эътиборни тортади.¹³

¹¹Эпоева Л.В. Лингвокультурологические и когнитивные аспекты изучения языка волшебной сказки (на материале английского и русского языков): Автореф. канд. дисс. филол. наук. – Краснодар, 2007.

¹² Ивченко М.В. Функционально-семантические и лингвокультурологические особенности вербализованного концепта «волшебство» в сказачном и рекламном дискурсах: Автореф. канд. дисс. филол. наук. – Ростов-на-Дону, 2010.

¹³Palmer G.B. *Toward a Theory of Cultural Linguistics*. – Austin: University of Texas Press, 1996. – 348 p.; Morain G. *Kinesics and cross-cultural understanding // Culture Bound. Bridging the Cultural Gap in Language Teaching*. Ed. J. Valdes. Cambridge: Cambridge University Press, 1998. – P.64 – 76; Serdihun B., Sivasish B. *Language, Culture and Translation of the Karbi: A Brief Study. / International Journal of Social Science and Humanity* vol. 2, no. 6. – India, 2012. – P.562-564; Воробьев В.В. Лингвокультурологическая парадигмаличности. – М.: Рос. Ун-т. Дружбы народов, 1996. – 170 с; Опарина Е.О. Лингвокультурология: методологические основания и базовые понятия // *Язык и культура: сб. обзоров*. – М.: ИНИОН РАН, 1999. – С.27-48; Ольшанский И.Г. Лингвокультурология в конце XX века: итоги, тенденции, перспективы // *Лингвистические исследования в конце XX века*. – М.: ИНИОН, 2000. – С.25-55; Вежбицкая А. *Сопоставление культур через посредство лексики и прагматики*. – М.: Языки славянской культуры, 2001. – 272 с.; Воркачев С.Г. Лингвокультурология. Языковая личность, концепт: становление антропоцентрической парадигмы в языкознании // *Филологические науки*. – М., 2001. – №1. – С. 64-72; Воркачев С.Г. *Счастье как лингвокультурный концепт*. – М.: Гнозис, 2004. – 236 с.; Карасик В.И. *О категориях лингвокультурологии // Языковая личность: проблемы коммуникативной деятельности*. – Волгоград: Изд-во ВГПИ, 2001. – С.3-16; Карасик В.И. *Лингвокультурные концепты // Языковой круг: личность, концепты, дискурс*. – М.: Гнозис, 2004. – 390 с.; Красных В. *Этнопсихология и лингвокультурология*. – М.: Гнозис, 2002. – 284 с.; Нагаева К.Э. *Национально-культурный компонент значения французских устойчивых сравнений: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук*. – М., 2002. – 16 с.; Маслова В.А. *Лингвокультурология*. 2-ое издание. – М.: Academia, 2004. – 170 с.; Сальникова О.Е. *Комбинированные речевые акты в англоязычном дискурсе (функционально-семантический и лингвокультурологический аспекты): Автореф. дисс. ... канд. фил. наук*. – М., 2003. – 19 с.; Василенко О.И. *Отфитонимическая семантическая деривация: лингвокогнитивный и культурологический аспекты (на материале русского и английского языков) // Известия Уральского государственного университета*. – 2008. – №55. – С.188-197; Подлесова О.А. *Концепты эмоциональных состояний в лингвокогнитивном и лингвокультурном аспектах (на материале английского языка): Автореф. дисс. ... канд. филол. наук*. – Самара, 2009. – 24 с.; Лагаева Д.Д. *Лингвокультурный концепт «счастье» в калмыцком и английском языках: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук*. – Элиста, 2009. – 22 с.; Дзида Н.Н. *Асимметрия концепта в свете когнитивно-деятельностного подхода в переводоведении: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук*. – Тюмень, 2010. – 25 с.; Елисеева Е.Б. *Лингвокультурема как единица декодирования культурных смыслов при переводе художественного текста*. – Тамбов: Грамота, 2013. – № 3 (21): в 2-х ч. Ч. II. – С. 67-70; Густомясова Т.И. *Лингвокультурные концепты в обучении иностранным языкам в современном вузе // Научно-методический электронный журнал «Концепт»*. – 2016. – Т. 15. – С. 191–195; Хасанова Ф.Х. *Лингвокультурологическое поле концепта «Туй» в татарской языковой картине мира: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук*. – Казань, 2008. – 21 с.; Фаткуллина Ф.Г., Габбасова А.Р. *Лингвокультурологический и аксиологический аспекты характеристики концепта “свадьба” в башкирской и русской языковой картине*

Умуман айтганда, фольклор асарлари ўзи мансуб халқнинг маданиятидан дарак берувчи эстетик ҳодиса сифатида лингвомаданий жиҳатдан ўрганишни тақозо қилади. Бунда восита бўлувчи лингвокультуремаларнинг табатини, ўзига хос хусусиятлари (белгилари, хоссалари, тавсифи)ни аниқлаш асосида назариясини яратиш лозим. Бу, аввало, тил, маданият ва шахснинг ўзаро муносабатларини ўрганишда, тилшунослик фанида тилнинг миллий-маданий ўзига хослигини англашда, таржимашуносликда эса лингвокультуремалар таржимаси билан боғлиқ муаммоларни ҳал этишда муҳим аҳамият касб этади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Бухоро давлат университетининг «Тилнинг лексик-семантик тизими, қиёсий-типологик изланишлар ва таржимашунослик муаммолари» мавзуидаги илмий тадқиқот ишлари режаси билан боғлиқ равишда амалга оширилган.

Тадқиқотнинг мақсади ўзбек болалар фольклори ва эртак жанрлари мисолида лингвокультуремаларнинг универсал, миллий-маданий, гендер, лексик-семантик, стилистик хусусиятларини аниқлаб, уларни инглиз тилига ўгиришда муқобилини топишдан иборат.

мира // Сохранение и развитие родных языков и культур в условиях многонационального государства: проблемы и перспективы: Материалы международной научно-практической конференции. – Уфа: РИЦ БашГУ, 2010. – С.282.; Бакиева Г. Лингвистические основы анализа художественного текста: Автореф. дисс... док-ра филол. наук. – Т., 1993. – 46 с.; Ашурова Д. Лексикон как отражение национально-культурной специфики языка // 2-я межд. науч. конф. Язык и культура. – М., 2003. – С.76-81; Бушуй А.М. Взаимоотношения между языком, культурой и обществом // Тил ва миллий маданият. Самарқанд давлат чет тиллар институтининг 10 йиллиги юбилейига бағишлаб ўтказилган халқаро конференция материаллари. – Самарқанд, 2008. – Б.6-13; Сафаров Ш. Когнитив тилшунослик. – Жиззах: Сангзор, 2006. – 92 б.; Сафаров Ш. Прагмалингвистика. – Т., 2008. – 300 б.; Маматов А.Э. Языковая картина мира как когнитивный феномен // Хорижий тил таълимининг когнитив-прагматик тамойиллари. – Самарқанд, 2007; Атаханова Г.Ш. Номинации «Возраст человека» в когнитивно-прагматическом и лингвокультурологическом аспектах (на материале английского языка): Канд. филол. наук. ... дисс. – Т., 2006; Маматов А. Взаимодействие и взаимовлияние языка и культуры в процессе перевода / Бадий таржима тилшунослик, адабиётшунослик ва маданиятлараро алоқалар контекстида. – Жиззах, 2011. – Б.31-32; Маматов А. Лингвомаданиятшунослик: лингвокультурема ва логосистема. – Хорижий филология. Тил. Адабиёт. Таълим. – Самарқанд, 2015. – №1(54). – Б. 9-15; Юсупов Ў. Маъно, тушунча, концепт ва лингвокультурема атамалари хусусида / Стилистика тилшуносликнинг замонавий йўналишларида. – Т., 2011. – Б.49-55; Ёкубов Ж. Француз тилида “муҳаббат” концептининг когнитив хусусиятлари / Олмоншунослик ва таржимашуносликнинг долзарб муаммолари. – Т., 2011. – Б.107-111; Зияев А. Сўз маъноси интенсивлиги ва лингвокультурология // Инглиз тилида сўз маъноларини кучайтиришнинг когнитив талқини. Услубий қўлланма. – Фарғона, 2011. – Б.58-70; Худойберганова Д. Ўзбек тилидаги бадий матнларнинг антропоцентриқ талқини: Филол. фан. док-ри дисс. автореф. – Т., 2015. – 102 б.; Худойберганова Д. Лингвокультурология терминларининг қисқача изоҳли лугати. – Т.: “Турон замин зиё”, 2015; Джуманова Д.Р. Лингвокультурологический аспект реалем // Русский язык в межкультурной коммуникации / Материалы научно-практической конференции. – Иванова: ИвГУ, 2012. – С.218-222; Джусупов Н. Проблема концепта в современной лингвистике // Преподавание языка и литературы. – Т., 2004. – №4. – С.12-18; Исамухамедова Н. Стилистическая адекватность перевода художественного текста: Дисс. канд. филол. наук. – Т., 2007. – 146 с.; Тошева Д. Лингвокультурология ва унинг тадқиқ манбаи // Бухоро давлат университети илмий ахбороти. – Бухоро, 2016. – №3 (63). – Б. 80.; Тухтаходжаева Н.А. Бадий таржимада лингвокультуремаларнинг ифодаланишини (инглиз ва ўзбек тиллари мисолида): Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) дисс. автореф. – Т., 2017. – 42 б.; Махмараимова Ш.Т. Лингвокультурология. Ўқув қўлланма. – Т.: Чўлпон номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2017. – 164 б.

Тадқиқотнинг вазифалари:

лингвокультуремаларнинг лексик-семантик моҳиятини, специфик хусусиятларини, уларнинг халқ оғзаки бадиий ижодидаги ўрнини тил, маданият ва таржима аспектида ёритиш;

фольклор асарларидаги лингвокультуремаларни таржима қилиш билан боғлиқ муаммоларни, трансформацион жараёнларни далиллаш асосида уларни адекват ўгиришга қулайлик туғдирадиган таржима усулларини, етакчи тамойилларни аниқлаб, шу бўйича илмий-назарий услубиятни шакллантириш;

ўзбек халқининг бола ҳаётига дахлдор маросим ва номаросим айтимлари, болалар ўйинлари инглизча таржималарида лингвокультуремаларнинг ифодаланишига хос лингвопоэтик хусусиятларни белгилаб кўрсатиш;

халқ эртакларининг анъанавий сажъ қисмида учрайдиган универсал ва миллий-маданий лингвокультуремалар таржимаси муаммолари ечими бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;

ўзбек эртаклари инглизча таржималарида лингвокультуремаларни аслиятга мос беришда таржимон услуби ва маҳоратини асослаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида ўзбек болалар фольклори ва эртакларнинг инглиз тилига бевосита ва билвосита таржима матнларидаги инглизча ва ўзбекча лингвокультуремаларни ифодаловчи тил бирликлари танланди.

Тадқиқотнинг предметини ўзбек болалар фольклори ва эртак жанрларидаги лингвокультуремаларнинг инглизча бадиий таржимада ифодаланиши ташкил қилади.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқот жараёнида қиёсий-типологик, тавсифий-миқдорий, концептуал, компонент таҳлил усулларида фойдаланилди.

Тадқиқотининг илмий янгилигикуйдагилардан иборат:

ўзбек халқининг бола ҳаётига дахлдор маросим ва номаросим айтимлари, алла, эркалама каби суйиш кўшиқлари, ўйинлар, эртакларда қўлланилган лингвокультуремаларнинг таржима матнидаги ўрни аниқланиб, тилнинг миллий-маданий ўзига хослигини англашда муҳимлиги исботланган;

ўзбек болалар фольклори ва эртак жанрлари инглизча таржималарида лингвокультуремаларнинг универсал, лексик-семантик, миллий-маданий, стилистик, гендер белги-хоссалари очиқ берилган;

лингвокультуремалар билан боғлиқ миллий колоритнинг таржимада сақланишида мутаржим маҳорати, бу борадаги услубий имкониятлар ва чекланганликлар далилланган;

ўзбек болалар фольклори, эртакларнинг жанрий табиати, мотивлар структураси, образлар тизимидаги умумфольклорий жиҳатларнинг таржимада сақланиши тарихий-генетик, маданий-эстетик томондан исботланган;

лингвокультуремалар таржимаси амалиётида муқобилини (эквивалентини) топиш, сўзма-сўз (калькалаш), сўзларни кўшиб таржима

қилиш ёки аксинча, сўзларни тушириб қолдириш, транслитерация, синоним сўзлардан фойдаланиш, изоҳ келтириш, ижодий таржима, генерализация, конкретизация (аниқлаштириш), модуляция, шартли муқояса, сўз аналогияси бўйича ёки маънони яқинлаштириб таржима қилиш усуллари энг кўп қўлланадиган ва самарали усуллар экани асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалариқуйидагилардан иборат:

Ўзбек болалар фольклори ва эртак жанрининг аслиятдан таржима қилиниши билан боғлиқ муаммоларни қиёсий аспектда ўрганиш ва ечимларини аниқлаш орқали чиқарилган хулосалар қиёсий адабиётшунослик, ўзбек фольклоршунослиги, чоғиштирма тилшунослик, таржимашунослик, лингвокультурология фанларини янги назарий қарашлар билан бойитиши ва уларнинг ривожини учун фойдали бўлган ўзига хос илмий ёндашувларнинг шаклланишига хизмат қилиши аниқланган;

Ўзбек болалар фольклори ва эртаклардаги лингвокультуремаларнинг ўрганилиши халқ тилидаги лингвокультурологик ҳолатлар ва ўзгаришларни аниқлаш, турли ўзаро алоқадаги халқларнинг лингвокультурологик хусусиятларини қиёсий тадқиқ қилиш; лингвокультурологик лексикография, яъни ҳар бир мамлакат учун хос бўлган луғатлар тузиш учун хизмат қилиши кўрсатиб берилган;

тадқиқотнинг натижалари миллий қадриятларимизнинг бир қисми бўлган фольклор асарларининг лингвопоэтик хусусиятларини, ёш авлод тарбиясидаги ўрни ва имкониятларини далиллашда манба вазифасини бажариши асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги.Ўзбек болалар фольклори, эртаклари инглизча таржималарида лингвокультуремаларнинг ифодаланиши ишончли манбалар орқали аниқлангани ҳамда жаҳон таржимашунослигининг энг янги илмий концепциялари ва назарий қарашлари асосида қиёсий ўрганилгани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ўзбек фольклори намуналарининг таржимасини қиёсий ўрганишда, аслият ва таржима орасидаги мазмуний-услубий муштараклик ва индивидуаллик ҳолатларини аниқлашда, бадиий таржима жараёнида лингвокультуремаларни ифодалаш йўллариини белгилашда, тўлақонли таржима учун замин яратишда муҳим аҳамият касб этади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти таржимашунослик, қиёсий адабиётшунослик, жаҳон халқлари адабиёти ва фольклори, маданиятлараро мулоқотга ўргатиш фанлари бўйича дарсликлар, ўқув ва ўқув-усулий қўлланмалар яратишда, лингвокультурология терминларининг ўзбекча-инглизча изоҳли луғатини тузишда, махсус курслар ўтишда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбек болалар фольклорида лингвокультуремаларнинг ифодаланиши билан боғлиқ хусусиятларни очиб бериш, уларни аслиятдан таржима қилиш муаммоларини

бартараф этиш юзасидан олинган илмий натижалар ва амалий таклифлар асосида:

жаҳон филология илмидаги илғор тадқиқ методлари қиёсий адабиётшунослик, ўзбек фольклоршунослиги, чоғиштирма тилшунослик ва таржимашуносликка кенг татбиқ этилаётганини асослаш учун ўзбек болалар фольклори жанрлари ва эртақларнинг инглизча таржималарида лингвокультуремаларнинг ифодаланишига хос хусусиятлар аниқланиб, олинган илмий натижалардан Ф-1-06 «Истиклол даври ўзбек адабиётида Шарқу Ғарб адабий анъаналари синтези» мавзусидаги фундаментал лойиҳада фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 25 декабрдаги 89-03-4455-сон маълумотномаси). Натижада, ўзбекча бадиий матнларнинг аслиятдан таржима қилиниши билан боғлиқ муаммолар қиёсий аспектда ўрганилиб, таржимон маҳоратини аниқлашга хизмат қилган;

ўзбек болалар фольклорининг хорижий мамлакатларда ўрганилиши, унинг инглиз тилига таржима қилиниши, лингвокультуремаларни ўзида акс эттириши, лингвокультуремаларга хос хусусиятлар, уларнинг таснифи, лисоний, бадиий-эстетик хоссаларига доир хулоса ва тавсиялар Бухоро давлат университети ўқув жараёнида фойдаланилган. (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 9 январдаги 89-03-97-сон маълумотномаси). Натижада, «Таржима назарияси ва амалиёти», «Ўзбек фольклори», «Адабий-бадиий таҳлил методлари», «Қиёсий адабиётшунослик» ва «Қиёсий тилшунослик», «Маданиятлараро мулоқотга ўргатиш» фанларини такомиллаштириш ҳамда ўқитиш самарадорлигини оширишга хизмат қилган;

ўзбек халқининг болалар фольклори бутун башариятни болажонликка, болапарварликка етакловчи қадрият эканлиги, уларнинг инглизча таржималари билан боғлиқ фикр-мулоҳазалардан Бухоро вилоят телерадиокомпаниясининг «Ассалом, Бухоро», «Ўзига ўхшайди ўзбек», «Тил – миллат кўзгуси» каби туркум кўрсатувларини тайёрлашда фойдаланилган (Бухоро вилоят телерадиокомпаниясининг 2018 йил 13 декабрдаги 1/580-сон хати). Натижада, фольклор орқали акс этган миллий қадриятларимизнинг бир қатор хорижлик этнограф олимлар томонидан инглиз тилига таржима қилиниши, ўзбек болалар фольклорига бўлган катта қизиқишни намоён этиши каби хулосалари телетомошабинларнинг ушбу масалалар юзасидан маълумотларга эга бўлишига асос бўлган;

ўзбек болалар фольклорини хориждан келатган сайёҳларга янада аниқроқ тушунтириш, унинг инглиз тилига таржима қилиниши, лингвокультуремаларни ўзида акс эттириши, лингвокультуремаларга хос хусусиятлар, таснифи, лисоний ва бадиий-эстетик хоссаларига доир хулоса ва тавсиялар Ўзбекистон Республикаси Бухоро вилояти туризм соҳасида кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш Бухоро вилоят маркази ўқув жараёнида фойдаланилган. (Ўзбекистон Республикаси туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси «Туризм ўқув-консалтинг маркази» давлат унитар корхонасининг 2019 йил 6 сентябрдаги 165-сон маълумотномаси). Натижада, туризм соҳасидаги кадрларнинг ўзбек

фольклорини сайёҳларга тушунтириш ва тарғиб этиш малакасини оширишга эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 12 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 21 та илмий иш чоп этилган. Шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган нашрларда 6 та илмий мақола, жумладан, 4 таси республика ва 2 таси халқаро журналларда эълон қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 160бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, Республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланиб, ишнинг назарий ва амалий аҳамияти очиқ берилган. Тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, апробацияси ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби «**Ўзбек фольклорида лингвокультуремаларнинг ўрни ва уларни таржимада бериш йўллари**» деб номланган ва уч фаслдан таркиб топган. Боб фаслларида лингвокультуремаларнинг моҳияти ва фольклор асарларидаги ўрни, уларни таржима қилиш муаммолари ҳамда усуллари ёритилган.

Лингвокультуремалар халқнинг ўзига хос маданиятини унинг тил бирликлари орқали акс эттирувчи лисоний ҳодисалардир. В.А.Маслова уларни ўрганувчи фан тилшунослик ва маданиятнинг кесишишида пайдо бўлганини ва у «Лингвокультурология» деб аталишини, бу фан миллат маданиятини тилда акс эттириш ва мустаҳкамлаш масаласини ўрганишини қайд этиб, унинг асосий йўналишларини белгилаб кўрсатган, таснифини амалга оширган.¹⁴

Лингвокультурология асосини шахс тили тушунчаси ва концепт ташкил этади. Дарҳақиқат, лингвокультурологиянинг асосий ўрганиш предмети бўлган лингвокультуремалар «концепт сифатида онтологик жиҳатдан юксак умумлаштирувчилик ва тилнинг турли сатҳлари, воситалари орқали ифодаланиш имкониятларига эга бўлган, ҳар бир тилда ўзига хос семантик

¹⁴ Маслова В.А. Лингвокультурология: учеб. пособие для студ. высш. учеб. заведений / В.А. Маслова. – М.: Издательский центр Академия, 2001. – С.208.

майдонни вужудга келтирадиган кенг қамровли тушунчадир».¹⁵ Бирок лингвокультурема ва концептнинг фарқли ва умумий хусусиятлари мавжуд. В.И.Карасикнинг эътирофи этишича, «лингвокультурологик концептлар уч таркибий қисмдан ташкил топган. Булар: тушунча, образлилик ва маълумот».¹⁶

Ҳозирги дунё тилшунослигида тил ва сўзловчи (тингловчи), тил ва коммуникация, тил ва мантиқ, тил ва оламни билиш, тил ва маданият боғлиқлиги масалалари тадқиқига янада жиддий ёндашиш натижасида тилшуносликнинг лингвокультурология йўналиши ҳам кундан-кунга ривож топиб бормоқда. Когнитив тилшунослик билан узвий боғлиқ бўлган лингвокультурологияда тил таракқиёти маданият ва тил алоқадорлиги, уларнинг бир-бирига таъсири, хос белгиларининг ўзаро синтезлашиши концептида ўрганилса, шу асосда келиб чиққан тил бирликлари – лингвокультуремалар генезиси, хусусиятлари, ўзида лисоний ва экстралингвистик белгиларни диалектик бирликда намоён этиши очилади.

Соҳалараро комплекс бирлик бўлган «лингвокультурема» терминини тилшуносликда илк бор қўллаган В.В.Воробьев талқинига кўра, «Лингвокультурема – бу лингвистик ва экстралингвистик (тушунча ёки предмет) мазмуни диалектик бирлигини ташкил этган комплекс бирликдир». Бу бирлик сўзга нисбатан чуқур маънога эга. Одатий белги – маънога культуреманинг тилдан ташқари мазмуни, яъни маданий тушунча компоненти ҳам қўшилади.¹⁷

Лингвокультуремалар семантикасида маълум бир халқнинг урф-одат ва анъаналари, маданияти, тарихи, турмуш тарзи, хўжалик муҳити билан туташ миллий-маданий хусусиятлари акс этиши сабабли улар билан боғлиқ муаммолар тадқиқотчиларни узоқ йиллардан бери қизиқтириб келмоқда. Кўпроқ амалий табиатга эга бўлган лингвокультурология фани XIX асрда тил ҳодисаларини антропологик парадигманинг ҳосиласи сифатида ўргана бошлагач, анча долзарблик касб этди. XX асрнинг охириги чорагига келиб лингвокультурологиянинг Ю.С.Степанов, Н.Д.Арутюнова, В.Н.Телия, В.Воробьев, В.Шакленай мактаблари шаклланди.

Лингвокультуремалар таркиби тил бирликларига қараганда анча мураккабдир. Лингвокультуремалар ўзида лингвистик, маданий, этнопсихологик ва экстралингвистик омилларни мужассамлаштиради.¹⁸ Лингвокультуремалар таркиби белги-маъно-тушунча-предметлардан ташкил топган. Улар тўғри ва кўчма маъносидан фарқли ўлароқ, инсон маданияти ва тили даракчисидир.

Ўтмиш тарих билан боғлиқлиги, локал хусусиятга эгаллиги, ўзи мансуб бўлган халқнинг миллий маданий турмуш тарзини, эътиқодий қарашларини,

¹⁵Зияев А.И. Инглиз тилида сўз маъноларини кучайтиришнинг лингвокогнитив аспекти: Филол. фан. номз.... дисс. – Т., 2009. – 150 б.

¹⁶ Карасик В.И. О категориях лингвокультурологии//Языковая личность: проблемы коммуникативной деятельности. – Волгоград: Изд-во ВГПИ, 2001. – С.3-16; Карасик В.И. Лингвокультурные концепты // Языковой круг: личность, концепты, дискурс. – М.: Гнозис, 2004. – 390 с.

¹⁷Воробьев В.В. Лингвокультурология (теория и методы): монография. – М.: Изд-во РУДН, 1997. – С.47-48.

¹⁸Красных В. Этнопсихология и лингвокультурология. – М.: Гнозис, 2002. – 284 с.

урф-одатларини ифодалаб келиши туфайли фольклор асарлари тилида лингвокультуремалар кўп учрайди. Лингвокультуремаларнинг семантик структурасида асосий ёки асосий бўлмаган, эксплицит ҳамда имплицит ифодаланишлар ҳам кузатилади. Уларнинг миллий-маданий хусусиятлари коннотатив маъно сатҳида ҳам намоён бўлиши мумкин. Лингвокультуремалар тилда интенсивликни ифодалаш учун ҳам восита бўла олади.

Фольклор асарларида учрайдиган лингвокультуремаларнинг куйидаги типларини таржимада ифодалаш муаммо туғдиради: 1. Фольклор асарларида учрайдиган эпик, мифологик ва реал жойномларини таржима қилиш мумкин ҳисобланмайди. 2. Фольклор асарларида учрайдиган қаҳрамонлар исми ҳамда лақаблари таржимаси тақиқланади. 3. Фольклор асарлари қаҳрамонлари шуғулланадиган касб-корлар номи, асосан, таржима қилинмайди. 4. Аслият тилида муайян миллий, маҳаллий нарса ва предмет ёки тушунчаларнинг номини ифодалайдиган сўзлар ҳам таржима қилинмайди. 5. Халқларнинг урф-одат, расм-русум, ирим-сирим, удумлари номи яна бир таржима қилинмайдиган сўзлардир. Бундай сўзлар «этнографизмлар» деб юритилади.¹⁹ 6. Ўтмиш ҳаёт билан боғлиқ фольклор асарларида архаик ва тарихий сўзларни ҳам таржимада қайта яратиш ҳамда хорижлик ўқувчига етарли даражада тушунтириш таржимон учун анча қийинчилик туғдиради. 7. Фольклор асарлари ҳудудий локал хусусият касб этиши маълум. Бир ҳудудда, бир тилда яратилган фольклор асари ҳатто унга яқин бир ҳудудда яратилган иккинчи фольклор асаридан диалектизмлар иштирокига кўра фарқланиб туради. Диалектизмлар, яъни шева сўзларни таржимада бериш яна бир муаммоли ҳолат саналади. Умуман айтганда, бу санаб кўрсатилганлар борлиқдаги ашъвий маданият натижаси, муайян халқнинг тарихи ва маданиятини, тилда мулоқот қилиш хусусиятларини ифодаловчи лингвистик бирликлар – реалиялар ҳисобланади.²⁰ Улар ўз кўринишида таржима қилинаётган тилга кириб боради.²¹

Фольклор жанрлари ўзига хос бўлиб, қатор белгилари билан ёзма адабиёт жанрларидан фарқланиб туради. Масалан, фольклоргагина хос бўлган алла, ёр-ёр, ўлан, келинсалом ва ҳоказо сингари жанрларни таржима қилганда, уларнинг номини айнан сақлашга тўғри келади.

Фольклор асарларининг таржимаси амалиётида мутаржимлар муқобилини (эквивалентини) топиш, сўзма-сўз (калькалаш), сўзларни қўшиб таржима қилиш ёки аксинча, сўзларни тушириб қолдириш, транслитерация, синоним сўзлардан фойдаланиш, изоҳ келтириш, ижодий таржима, генерализация, конкретизация (аниқлаштириш), модуляция, шартли муқояса,

¹⁹ Касимова Р.Р. Ўзбек тўй ва мотам маросим фольклори матнларининг инглизча таржимасида этнографизмларнинг берилиши: Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси. – Т., 2018. – 252 б.

²⁰ Влахов С., Флорин С. Непереводимое в переводе. Издание третье. Исправленное. – М: Валент, 2006. – С.381.

²¹ Россельс В.М. О передаче национальной формы художественном переводе // Дружба народов. – №5. – М., 1953. – С.23; Ҳамроев Ҳ. Миллий хос сўзлар-реалиялар ва бадий таржима // Таржима маданияти (Мақолалар тўплами). – Тошкент, 1982. – Б.158.

сўз аналогияси бўйича ёки маънони яқинлаштириб таржима қилиш усуллари энг кўп қўлланадиган ва қўлланиши мумкин бўлган усуллар экани кузатилади.

Умуман айтганда, таржима жараёни экстралингвистик масалаларининг бир учи таржима назариясида бевосита лингвокультуремаларни бир тилдан бошқа тилга таржима қилиш йўллари ва усуллари билан боғлиқдир. Чунки улар қатнашган аслиятнинг прагматик жиҳатлари таржимага мувофиқ, аслиятга мос бўлиши таржима муваффақиятини таъминлайди. Ифодаланаётган ғоя ва фикр рецептор онгига тўла етиб бора олади.

Иккинчи боб «Ўзбек болалар фольклори жанрлари инглизча таржимасида лингвокультуремаларнинг берилиши»деб номланган бўлиб, илк фаслида лингвокультуремаларнинг бола ҳаётига дахлдор маросим ва номаросим қўшиқлар орқали инглизча таржимада ифодаланиши, кейинги фаслида ўзбек болалар ўйинлари инглизча таржималарида лингвокультуремаларнинг акс этиши ўрганилган.

Инглиз тилига таржима қилинган ўзбек болалар фольклори намуналарининг жанрлар таркиби, асосан, мавсумий қўшиқлар (масалан. Наврўз, сумалак ҳақидаги), бешик тўйи билан боғлиқ айтим-олқишлар, аллалар, эркаламалар, ўйин фольклори кабилардан иборат.

Болалар фольклори намуналарида, аввало, халқимизнинг болапарварлик туйғуси баробарида бадий ижодкорлик салоҳияти ҳам намоён бўлади. Айниқса, бола ҳаётига дахлдор номаросимий айтимларда бу ҳолат ёрқин кўзга ташланади. Бошқа фольклор жанрлари сингари болалар фольклори намуналари ҳам миллийликка йўғрилгани боис уларни таржимада қайта яратиш осон кечмайди.

Ўзбек халқ аллаларининг инглизча таржима матнларида «*alla*» сўзи ё «*a cradle song*» – бешик қўшиғи бирикмаси, ё «*lullaby*» сўзи билан берилгани кузатилади. Ўзбек болалар фольклори намуналаридан озми-кўпми амалга оширилган инглизча таржималар шуни кўрсатадики, уларда болалар фольклори жанрлари орасида энг машҳури ва кенг тарқалгани ҳисобланган аллаларнинг номи ва шу номни келтириб чиқарган унга хос доимий «алла» такрори (радифи ҳам дейиш мумкин) таржима нусхаларда лингвокультурема сифатида қаралиб, асл ҳолида қолдирилган. Унинг сақланиши, биринчидан, жанр номини аниқлашга ёрдам берса, иккинчидан, матннинг аллаларга хос оҳангини, вазнини таржимада ҳам сақлаб қолиш имконини бераётир. Оҳанг эса алла руҳини таъминлаётир.

Баъзи алла таржималарида миллий тушунчаларимизни англамаслик оқибатида хатоликка йўл қўйилгани кузатилади. Масалан, аслиятда:

Қора кўзинг чаросларга ўхшайди-ё, алла,

Атир гулинг қийғосларга ўхшайди-ё, алла.

Меҳрибоним, танда жоним, алла-ё алла,

Хандон лабинг гилосларга ўхшайди-ё, алла.

Таржимаси: Your black eyes look like cherries, alla,
And in bloom is the rose, alla.

My dear, the life of my bosom, alla-yo alla,
Your smiling lips like a cherry grows, alla.²²

Маълумки, «чарос» сўзи ўзбек тилида қора узумнинг бир турини номлаб келади. Шундан беҳабар таржимон уни «гилос» сўзи билан бериб, мантикий хатоликка йўл қўймоқда. Чунки гилос қизил тусда бўлади. Шунинг учун уни кўзга ўхшатиш тўғри бўлмайди. Одатда, гилос образи, одатда, шеъриятда лаб тимсолини ташбеҳлантиришда қўлланади.

Баҳоуддин қўлласинлар-ей, алла-ё алла,
Узоқ умр йўлласинлар-ей, алла-ё алла.
Боболардек диёнатли бўлгин-ей аллаё, алла,
Номинг айтиб куйласинлар-ей, алла.

Таржимаси:

